

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 785-ҳадис

785 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَشْرَبَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ قَائِمًا، فَمَنْ نَسِيَ فَلِيَسْتَقِيْءُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2026].

785. Абы Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирортангиз зинхор тик туриб ичмасин. Ким унугланган бўлса, қайт қилсин», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарх: Аввалги учта ҳадисдан тик туриб ичимлик ичиш ва овқатланиш жоизлиги чиқмоқда. Аммо кейинги ҳадислардан тик туриб бирор ичимлик ичишнинг макруҳлиги, тик туриб овқатланиш эса унданда қаттиқ кароҳиятли экани чиқмоқда. Энди кимки тик туриб бирор нарса ичиб қўйса суннатга хилоф қилгани учун, нафсини жазолаш сифатида ичган нарсасини қайт қилиб юбориши маҳбуб амалдир. Албатта суннатга хилоф қилишни қасд этгандагина шундай қиласи. Аммо муҳолифликни қасд қилмаса ундај эмас.

Манба: hadis.islom.uz



